

**Корхоналар ва ташкилотлар
фаолиятининг умумий
таърифи**
(фермер ва деҳқон хўжаликларисиз)

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 19707 тани ташкил қилиб, шундан 17958 таси ёки 91,1 фоизи фаолият кўрсатмоқда.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми савдо 5323 та (27,0 фоизи), саноат 3147 (16,0 фоизи), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 791 та (4,0 фоизи) ва қурилиш 1614 та (8,23 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

2016 йилнинг 1 апрель ҳолатига рўйхатга олинган ҳамда фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар иқтисодий фаолият турлари бўйича қуйидагича тақсимланади:

	Рўйхатга олинганлар		Фаолият кўрсатаётганлар	
	бирлик	яқунга нисбатан фоизда	бирлик	яқунга нисбатан фоизда
Жами	19707	101,4	17958	101,5
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	1414	104,0	1309	104,1
саноат	3147	102,5	2979	103,0
қурилиш	1614	101,6	1397	102,7
савдо	5323	101,4	4512	101,9
ташиш ва сақлаш	577	101,9	543	101,3
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	791	101,4	716	101,7
ахборот ва алоқа	326	100,6	293	98,7
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	626	101,0	603	100,3
бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш	5889	100,1	5606	99,8

Рўйхатга олинган корхоналар умумий сонининг 84,9 фоизи нодавлат мулки шаклидаги корхоналар, шундан 35,2 фоизи хусусий корхоналар, 0,5 фоизи чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар, 0,2 фоизи акциядорлик жамиятлари, 49,0 фоизи бошқа корхоналар улушига тўғри келди.

Рўйхатга олинган хўжалик юритувчи субъектлар-юридик шахслар мулкчилик шакллари бўйича қуйидагича тақсимланади:

1 апрель ҳолатига,
умумий сонига нисбатан фоиз ҳисобида



2016 йил январь-мартда жами 529 та янги корхона ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 510 та). Уларнинг асосий қисми Уларнинг асосий қисми Наманган шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 39.96 фоизи), Наманган (8,7 фоиз), Чуст (7,6 фоиз), Тўрақўрғон (6,6 фоизи), Уйчи ва Чортоқ (4,9 фоиздан) туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхона ва ташкилотларнинг 37,1 фоизи савдо, 25,0 фоизи саноат ва 8,1 фоизи қурилиш соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 283 та корхона ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 61 таси (жами фаолияти тугатилганларнинг 21,5 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

2016 йил январь-мартда иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳамда аҳоли бандлиги бўйича давлат ва нодавлат секторларининг нисбати куйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида

